

## «Сизларга ким оқин сувни келтирур?»»

Image not found or type unknown



16:04 / 13.12.2018 3303

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿مَعِينٍ بِمَاءٍ يَأْتِيكُمْ فَسَوْءَ مَا وَكَّرَ أَصْبَحَ إِن أَرَأَيْتُمْ قُلُ

**«Айт: «Айтинглар-чи, агар сувларингиз ерга сингиб кетса, сизларга ким оқин сувни келтирур?»» (30-оят).**

Аллоҳ таоло кофирларга Ўзининг фазлини эслатиб қўймоқда. Сув ҳар қадамда учрайдиган улуғ бир неъмат – ҳаёт манбаи. Усиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Биз эса бу неъматнинг қадрини билмаймиз, шукрини қилмаймиз. Оятда зикр қилинганидек, Аллоҳ таоло сувни ерга сингдириб юборса, нима бўлади? Ҳамма нарса ҳалок бўлади. Айниқса, ҳозирги пайтда сувнинг камайиши оқибатида ҳосил бўлаётган муаммолар кўпайиб бораётган бир даврда бу ҳақиқатни тўғри тушунмоқ лозим. Мазкур оят

нозил бўлганда, мушрикларнинг раҳбарларидан бири «Чўқмор билан келтиради», – деган экан. Шу заҳоти Аллоҳ таоло унинг кўзининг сувини кетказиб, кўр қилиб қўйган экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида марҳамат қиладиларки: «Албатта, Аллоҳнинг Китобида бир сура бор, унинг оятлари ўттизта холос, кишига қиёмат куни шафоат қилади. Уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритади. У Таборак сурасидир».

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «Майит қабрга қўйилгандан сўнг (азоб фаришталари) оёқлари тарафдан келсалар, оёқлар: «Сизнинг бунинг олдига келишингизга йўл йўқ, чунки у биз билан туриб, тунги намозда Мулк сурасини ўқирди», – дейдилар. Агар бош тарафдан келсалар, тили: «Сизнинг бунинг олдига келишингизга йўл йўқ. Чунки у мен билан Мулк сурасини ўқирди», – дейди», – дейилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шундай деганлар: **«Мулк сураси ҳар бир мўминнинг қалбида бўлишини хоҳлардим».**